



120

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулбад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

Ушбу қарор «10» сентябр

№ 1130-К

Самарқанд туман “Каттакўрғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Чордара агротехсервис” агрофирмаси ҳудудида фаоллият кўрсатиб келаётган “AGRO BUNYOD MEVA” агрофирмасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа қишлоқлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, қишлоққурилишлойиҳа” бош лойиҳа қидирув институтининг 2015 йил 07 июлдаги №07-15/31-сонли баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2015 йил 03 августдаги № 1294 сонли ҳулосаси ва “AGRO BUNYOD MEVA” агрофирмаси директори Отамуродов Санъатнинг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман “Каттакўрғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Чордара агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 328 контуридан “AGRO BUNYOD MEVA” агрофирмаси директори Отамуродов Санъатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун жами 0,12 га (шундан: 0,12 га туман ҳудудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. “AGRO BUNYOD MEVA” агрофирмаси директори Отамуродов Санъатга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси бино қуриш тартиблари қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 8,40-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш вазирлиги раҳбарлик қилиши ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва солиқнинг 1 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъмин қилинсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Отамуродов Зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров